



"Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Фарғона вилоят худудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Фарғона тумани Гулпиён,Лоғон,Хуршиди тобон ва Вазиё МФЙ худудида яшовчи 11626 нафар ахолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

Ичимлик сув бўйича

Фарғона тумани Гулпиён МФЙ ахолисини бир кунлик сув сарфи 1162 м³ хисобланиб, Гулпиён МФЙ худудида 2 дона тик ичимлик сув кудуғи казилсин, сув саклаш иншоати (резурвар) қуриш лойиха ва гидравлик хисоб китобларига асосан тармок тортилиб МФЙ худуди ичимлик суви билан таъминланиб, қурилиш монтаж ишлари ШНҚ, КМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошка мухандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хulosса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқишида тажрибали лойиха институтларини жалб қилган холда лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқиши ва давлат экспертиза хulosалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета хужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ бош мухандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув

объектлари лойиха-смета хужжатлари "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилishi шарт. Акс холда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган хисобланади ва мазкур объектлар "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хақиқий деб хисобланади.

"Фарғона сув таъминоти" МЧЖ
Фарғона туман бош мухандиси:

"Фарғона сув таъминоти" МЧЖ
Фарғона туман ИЧБ мухандиси:



О.Зияпов

М.Мамиров